

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.  
2019.Тиб.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ШАРИПОВА ДИЛНОЗА ЖАМОЛОВНА**

**COVID-19 КАСАЛЛИГИНИ ЎТКАЗГАН БОЛАЛАРНИНГ ТИКЛА-  
НИШ ДАВРИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР ДИСБА-  
ЛАНСИНИНГ АҲАМИЯТИ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Шарипова Дилноза Жамоловна</b> COVID-19 касаллигини ўтказган болаларнинг тикланиш даври хусусиятлари ва микроэлементлар дисбалансининг аҳамияти.....	3
<b>Шарипова Дилноза Жамоловна</b> Особенности восстановительного периода и значение дисбаланса микроэлементов у детей, перенесших COVID-19.....	27
<b>Sharipova Dilnoza Jamolovna</b> Features of the recovery period in children who have suffered from COVID- 19and the importance of disbalance of micronutrients.....	51
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	57

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.  
2019.Тиб.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ШАРИПОВА ДИЛНОЗА ЖАМОЛОВНА**

**COVID-19 КАСАЛЛИГИНИ ЎТКАЗГАН БОЛАЛАРНИНГ ТИКЛА-  
НИШ ДАВРИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР ДИСБА-  
ЛАНСИНИНГ АҲАМИЯТИ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib1901 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Бобомуратов Турдикул Акрамович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Алиев Ахмаджон Лутфуллаевич</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент <b>Шамсиев Фурқат Мухитдинович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Бухоро Давлат тиббиёт институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140 Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.В. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Т.А. Набиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Д. И. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда COVID-19 яшин тезлигида пандемия сифатида тарқалди ва бунинг натижасида бутун соғлиқни сақлаш тизими учун глобал муаммога айланди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2023 йил 24 сентябрдаги маълумотига кўра дунё бўйича 770 миллиондан ортиқ тасдиқланган COVID-19 ҳолатлари кузатилиб, шундан 6 миллиондан ортиқ ўлим ҳолатлари қайд этилган. Европада 2023 йил биринчи ярмида 0-14 ёшдаги болалар ўртасида 101 та ўлим ҳолатлари қайд этилган. Бу кўрсаткич 2018-2021 йиллардаги ўртача кўрсаткичларга нисбатан 381 % га ошганлигини кўрсатади<sup>1</sup>. Болалар коронавирус инфекциясини енгил ёки ўртача шаклда ўтказсаларда соғайиш даврининг чўзилиши билан характерланади. COVID-19 дан кейин болаларни соғайишига комплекс ёндашувнинг йўқлиги, микроэлементлар етишмовчилигини диагностика қилиш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш педиатриянинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

МДХ давлатларида педиатрия соҳасида COVID-19 билан касалланган болаларни ташхислаш ва даволаш тамойиллари самарадорлигини комплекс баҳолаш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада COVID-19 касаллигига чалинган болаларни ретроспектив таҳлил асосида касалликни кечиши ва клиник лаборатор ўзгаришларини, коронавирус инфекциясини ўтказган болаларни эрта тикланиш даври хусусиятларини клиник, биокимёвий ва инструментал текширувлар асосида баҳолаш, коронавирус инфекцияси ўтказган болаларнинг эрта тикланиш даврида микроэлементлар миқдорини, COVID-19 касаллигини ўтказган болаларда соч ва қон таркибидаги микроэлементлар ва уларнинг клиник белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик мавжудлигини ҳамда болаларда микроэлементлар танқислиги эҳтимолини дастурий таъминот ёрдамида баҳолаш ҳамда микроэлементлар танқислигини бартараф этишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, юқумли ва вирус этиологияли касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган.

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, болаларнинг соғайиш даврида коронавирус инфекциясининг микроэлементлар

<sup>1</sup> Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti (JSST). *COVID-19 pandemiyasi bo'yicha global statistika*. 24-sentabr, 2023. <https://www.who.int>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. "Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида". 2022 йил 28 январь, ПФ–60-сон. <https://lex.uz>

дисбалансига таъсирини батавсил ўрганиш бўйича самарали чора тадбирлар ишлаб чиқиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>3</sup>ги Фармонлари, 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>4</sup> фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23-мартдаги 176-сон «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё олимлари томонидан коронавирусдан кейинги болаларнинг саломатлигига тегишли тадқиқотлар кенг намоёни этилиб борилмоқда. Сўнгги йилларда бир қатор тадқиқотчилар коронавируснинг болалар саломатлигига таъсирини ўрганишмоқда (Малахов А.В. ва бошқа олимлар 2023) коронавирус инфекциясининг болаларда кечиш хусусиятларини ўрганиб касаллик белгилари ёшга боғлиқ ҳолда кечишини айтиб ўтган. Коронавирус инфекциясининг болаларда кузатиладиган асоратларини, айниқса ўпканинг зарарланишини, вирусни иммун тизимига таъсирини асослаб берган (Assaker R. 2024). Шунингдек COVID-19 касаллигида мултисистем яллиғланиш синдромини белгилари ва даволаш усулларини таҳлил қилган ( Novikova Yu.Yu. va бошқалар 2023). COVID-19 билан касалланган болаларда рух, темир, селен микроэлементларининг иммунитет тизимига муҳим рол ўйнашини айтиб ўтган (Ivanov A.A. va Petrov V.V.2024). Шунингдек болалар организмга рух микроэлементи

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти. "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида". 2018 йил 7 декабрь, ПФ–5590-сон. <https://lex.uz>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти. "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида". 2020 йил 19 март, ПФ–5969-сон. <https://lex.uz>

етишмовчилик сабабларини ва олдини олиш усулларини таъкидлаган (Kravtsov A.S. 2024). Постковид синдромнинг ривожланишини келтириб чиқарадиган бир қатор омиллар бўйича янги қарашлар тақдим этилган (Zhang J. et al., 2024; Aschman T. et al., 2023).

МДХ давлатларида бир қанча олимлар гуруҳи Д.Винников ва ҳаммуал., 2023) болаларда учрайдиган COVID-19 касаллигининг клиник хусусиятлари ва даволаш протоколларининг самарадорлигини ўрганиш орқали коронавирус инфекциясининг болаларга таъсирини ўрганишга муҳим ҳисса қўшган ҳамда COVID-19 инфекциясини ўтказган болаларда микроэлементлар дисбаланси ва унинг тикланиш давридаги аҳамиятини ўрганганлар (Сидоров В.В. 2021). Шунингдек COVID-19 инфекциясидан кейин болаларда микроэлементлар статусидаги ўзгаришларни ўрганниб ва уларнинг клиник аҳамиятини баҳоладилар (Ким Н.В., Ахмедов Р.Т. 2022).

Мамлакатимизда болалар саломатлигига коронавирус инфекцияси таъсирини комплекс баҳолаш бўйича қатор олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган (Ахмедова Д.И., Иноятова Ф.И.2022). томонидан микроэлементлар дисбаланси бўйича бир нечта дастурларда илмий изланишлар олиб борилган. Шамсиев Ф.М., Шамсиева Э.Р.лар болаларда пневмония касалликларида микроэлементлар дисбаланси бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Шунингдек, Бобомуратов Т.А. бошчилигида бир гуруҳ олимлар “Оналик ва болаликни муҳофаза қилишда микронутриентлар танқислигини инobatга олган ҳолда коррекцияси ва профилактикасининг янги тиббий- ижтимоий усулларини ишлаб чиқиш” мавзусида грант лойихаси бажарилган. Бундан ташқари турли патологияларда: анемия касаллигида микроэлементлар кўрсаткичлари ўрганилган (Расулов С.Қ. 2022). Ошқозон-ичак тизимининг сурункали касалликларида микроэлементлар дисбаланси ўрганилган (Ҳамроев Х.Т.2021) бироқ, COVID-19 билан касалланган болаларни микронутриентлар миқдорини ҳисобга олган ҳолда ташҳислаш ва реабилитация қилиш самарадорлигини комплекс баҳолаш амалга оширилмаган.

Шуни таъкидлаш жоизки юқорида келтирилган маълумотларнинг барчаси муаммонинг долзарблиги, шунингдек ушбу йуналишда мақсадли тадқиқотлар олиб бориш, педиатриянинг кенг тарқалган муаммоси бўлган коронавирус инфекциясини ўтказган болаларни эрта тикланиш даври хусусиятларини баҳолаш ва юзага келадиган асоратлар олдини олиш ва реабилитация усулларини такомиллаштириш заруриятини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.1100158 «Диагностика, даволаш ва профилактиканинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш» илмий тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** COVID-19 касаллигини ўтказган болаларнинг тикланиш даври хусусиятлари ва микроэлементлар дисбалансини аниқлаш

ҳамда реабилитация чора тадбирларини самарадорлигини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

COVID-19 касаллигига чалинган болаларни ретроспектив таҳлил асосида касаллик кечиши ва клиник лаборатор ўзгаришларини баҳолаш;

COVID-19 билан касалланган болаларни тикланиш даври хусусиятларини клиник, биокимёвий ва инструментал текширувлар асосида баҳолаш;

COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида микроэлементлар миқдорини аниқлаш ва баҳолаш;

COVID-19 касаллигини ўтказган болаларда соч ва қон таркибидаги микроэлементлар ва уларнинг клиник белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик мавжудлигини баҳолаш;

COVID-19 ўтказган болаларда микроэлементлар танқислиги эҳтимолини дастурий таъминот ёрдамида аниқлаш ҳамда микроэлементлар танқислигини коррекциялаш учун диагностика ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент шаҳридаги 3-сонли ихтисослаштирилган юқумли касалликлар шифохонасида 2020-2021 йилларда даволанган 240 нафар коронавирус инфекцияси билан касалланган болаларнинг касаллик тарихига оид ретроспектив маълумотлар ва Тошкент шаҳар 33-сонли оилавий поликлиникаси ҳамда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли болалар маслаҳат поликлиникасида 2020-2021 йилларда 112 нафар болаларнинг коронавирусдан кейин тикланиш даврининг текширув натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** клиник, лаборатор ва инструментал текширувларни амалга ошириш учун болалардан тўпланган веноз қон, COVID-19 инфекциясини ўтказган болаларнинг тикланиш даври клиник ва анамнестик маълумотларнинг натижалари, микроэлемент таркибини аниқлаш учун соч намуналари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, биокимёвий (қонда рух, кальций, фосфор ва витамин Д ни аниқлаш), соч толаси таркибидаги микроэлементларни аниқлаш учун соч намуналари нейтрон активацион усул ёрдамида текшириш ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат: ретроспектив таҳлиллар асосида COVID-19 касаллиги стационар шароитда даволанган болаларнинг 15,8%да оғир, 84,2%да ўртача оғир кечиши, мултиспирал томографияда ўпканинг шикастланиши 20-50 % оралиғида қайд этилиши, фон касалликлардан 59,5% анемия ва ёндош касалликлардан 41,2 % сурункали тонзиллит касалликларининг мавжудлиги исботланган;

COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврининг хусусиятлари сифатида касаллик оғир кечган ҳолларда ички орган ва тизимларда сезиларли ўзгаришлар: юрак қон томир тизимида (23,2%), овқат ҳазм қилиш (66,9%) тизимида ўзгаришлари, вегетатив бузилишлар (63,3%), камқонлик (60,0%) ҳолда сақланиб турганлиги, касалликнинг кечиши болаларнинг ёши, фон ва ёндош касалликларга боғлиқлиги исботланган;

COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида соч толаси таркибидаги микроэлементлар дисбаланси кузатилиб Zn -1,6 марта, Fe- 2,2 марта, I -1,1марта, Co миқдори 1,1мартагача камайганлиги ва Cu миқдорини 1,3 баробарга ошганлиги аниқланди, шунингдек қон зардобида Zn ва P 2 марта, Ca миқдорининг 1,4 марта, витамин Д миқдорининг ўрта оғир даражасида 3,4 мартагача камайиши, касалликнинг оғирлик даражасига қараб микроэлементлар танқислигини ортиши исботланган;

COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида соч толаси ва қон зардобиде таркибидаги микроэлементлар ўртасида: рух ва темир  $r = +0,52$ , йод ва селен ўртасида  $r = +0,52$ , витамин Д ва рух ўртасида  $r = + 0,71$  ҳамда касалликнинг оғирлик даражалари ўртасида мусбат корреляцион боғлиқлик кузатилиб, рух, темир, витамин Д миқдорининг паст бўлиши, касалликни оғир кечишига ҳамда тикланиш даврининг узайишига олиб келиши исботланган;

COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида микроэлементлар етишмовчилик даражасини ўз вақтида баҳолаш, прогноз қилиш учун ишлаб чиқилган дастурий таъминот ва микролементлар танқислигини диагностика ва коррекциялаш учун алгоритмини қўллаш, педиатрларга микроэлементлар танқислигини олдиндан аниқлаш ва микроэлементлар етишмовчилигини эрта бартараф этиш имкони билан исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

COVID-19 нинг ўртача оғир ва айниқса оғир шаклларини ўтказган болаларни тикланиш даврида реабилитация чора тадбирларини тўғри ташкил қилиш мақсадида диспансер кузатувиغا олиш, микроэлементлар (қон ва соч таркибидаги) миқдорини аниқлашни мавжуд протоколлар асосида амалга ошириш кераклиги, чунки бу даврда юрак қон томир, овқат ҳазм қилиш тизимидаги ўзгаришлар, камқонлик, астеновегетатив белгилар 60% ҳолатда аниқланишига асосланган;

COVID-19 билан касалланган болаларда асоратларнинг олдини олиш ва даволашга дифференциал ёндашувни таъминлаш учун инструментал (нейтрон активацион усул) ва лаборатория (қон биокимёвий таҳлили ва қонда микроэлементлар миқдорини аниқлаш) усуллариининг амалий аҳамияти асосланган;

COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида таркибида микроэлементлар бўлган дори препаратлари билан коррекциялаш зарурлиги асосланган;

COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида педиатрлар учун микроэлемент етишмовчилигини олдиндан прогноз қилиш учун дастурий таъминот яратилган, микролементлар танқислигини коррекциялаш учун диагностика ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, лаборатория ва статистик тадқиқот усуллари асосида COVID-19 касаллигини ўтказган болаларнинг тикланиш даврида микронутриентлар

микдорини аниқлашнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, COVID-19 ни ўтказган болаларнинг тикланиш даврида микронутриентлар танқислигини илмий асослаш, таҳлил натижалари бўйича турли оғирлик даражасига кўра медикаментоз коррекцияни такомиллаштиришни белгилайдиган омилларни ишлаб чиқиш, назарий билимларни кенгайтириш, унинг илмий фаолиятга қўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўтказилган клиник тадқиқотлар натижасида ўртача оғир ва оғир даражадаги COVID-19 ўтказган болаларда касалликни ўзига хос хусусиятлари ва микронутриент етишмовчилигини аниқлаш натижалари юқори диагностик аҳамиятга эга эканлиги, диагностик алгоритмдан фойдаланиш эса микронутриент етишмовчилиги эрта аниқлаш, ташхислаш, касаллик ва унинг асоратлари олдини олиш сифатини оширишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** COVID-19 касаллигини ўтказган болаларнинг тикланиш даври хусусиятлари ва микроэлементлар дисбалансининг аҳамиятини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* COVID-19 касаллиги стационар шароитда даволанган болаларнинг 15,8% да оғир, 84,2% да ўртача оғир кечиши, мултиспирал томографияда ўпканинг шикастланиши 20-50% оралиғида қайд этилиши, фон касалликлардан 59,5% камқонлик ва ёндош касалликлардан 41,2% сурункали тонзиллит касалликларининг мавжудлиги исботланганлиги Тошкент тиббиёт академиясининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 12 декабрдаги 12-23/218-т-сонли буйруғи билан тасдиқланган «COVID-19 ўтказган болаларда микроэлементлар статусининг ўзига хос хусусиятлари» номли услубий тавсияномасида ифодаланган. Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонасининг 23.01.2024 йилдаги №23-сонли буйруғи, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг Тошкент туман тиббиёт бирлашмаси 25.01.2024 йилдаги №273-10-212-ТВ/2024-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги №09/55-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** болаларда COVID-19 касаллигини клиник-лаборатор кўринишларининг комплекс ретроспектив таҳлилини ўрганиш ушбу ёш гуруҳидаги инфекция кечишининг специфик хусусиятларини аниқлаштириш ва эрта ташхис қўйиш учун клиник индикаторларни аниқроқ белгилаш ва ўз вақтида даволашни бошлаш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** COVID-19 касаллигини клиник-лаборатор кўринишларининг комплекс ретроспектив таҳлилини ўрганишда умумий 112 нафар бемор болаларга 11220000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

**Хулоса:** COVID-19 касаллигини клиник-лаборатор кўринишларининг комплекс ретроспектив таҳлилини ўрганишда бир нафар бемор болага бюджет маблағларидан 110000 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

*иккинчи илмий янгилик:* COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврининг хусусиятлари сифатида касаллик оғир кечган ҳолларда ички орган ва тизимларда сезиларли ўзгаришлар: юрак қон томир тизимида (23,2 %), овқат ҳазм қилиш (66,9%) тизимида ўзгаришлари, вегетатив бузилишлар (63,3%), камқонлик (60,0%) ҳолда сақланиб турганлиги, касалликнинг кечиши болаларнинг ёши, фон ва ёндош касалликларни мавжудлигига боғлиқлиги исботланганлиги Тошкент тиббиёт академиясининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 12 декабрдаги 12-23/218-т-сонли буйруғи билан тасдиқланган «COVID-19 ўтказган болаларда микроэлементлар статусининг ўзига хос хусусиятлари» номли услубий тавсияномасида ифодаланган. Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонасининг 23.01.2024 йилдаги №23-сонли буйруғи, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг Тошкент туман тиббиёт бирлашмаси 25.01.2024 йилдаги №273-10-212-ТВ/2024-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги №09/55-сон хулосаси).

**Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврининг хусусиятлари сифатида касаллик оғир кечган ҳолларда ички орган ва тизимларда сезиларли ўзгаришлар: юрак қон томир тизимида, овқат ҳазм қилиш тизимида ўзгаришлари, нерв тизимидаги бузилишлар, камқонликни эрта аниқлаш, касалликнинг кечиши болаларнинг ёши, фон ва ёндош касалликларни даволаш тикланиш даврининг қисқариш имконини беради.

**Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврининг хусусиятлари сифатида касаллик оғир кечган ҳолларда ички орган ва тизимларда сезиларли ўзгаришларни ташхислаш мақсадида, умумий 112 нафар бемор болалар учун 25659872 сўмни иқтисод қилиш имконини бераган. **Хулоса:** COVID-19 касаллиги стационар шароитда даволаниш учун бир нафар бемор болага бюджет маблағларни 229106 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

*учинчи илмий янгилик:* COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида соч толаси таркибидаги микроэлементлар дисбаланси кузатилиб Zn -1,6 марта, Fe -2,2 марта, I- 1,1 марта, Co миқдори 1,1 марта камайганлиги ва Cu миқдори 1,3 баробарга ошганлиги аниқланди, шунингдек қон зардобидида Zn ва P 2 марта, Ca миқдорининг 1,4 марта, витамин Д миқдорининг ўрта оғир даражасида 3,4 мартагача камайиши, касалликнинг оғирлик даражасига қараб микроэлементлар танқислигини ортиши исботланганлиги Тошкент тиббиёт академиясининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 12 декабрдаги 12-23/218-т-сонли буйруғи билан тасдиқланган «COVID-19 ўтказган болаларда микроэлементлар статусининг ўзига хос хусусиятлари» номли услубий тавсияномасида ифодаланган. Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонасининг 23.01.2024 йилдаги №23-сонли буйруғи, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг Тошкент туман тиббиёт

бирлашмаси 25.01.2024 йилдаги №273-10-212-ТВ/2024-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги №09/55-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида соч толаси таркибидаги микроэлементлар дисбаланси кузатилиб Zn -1,6 марта, Fe -2,2 марта, I- 1,1марта, Co миқдори 1,1 марта камайганлиги ва Cu миқдори 1,3 баробарга ошганлиги аниқланди, шунингдек қон зардобиди Zn ва P 2 марта, Ca миқдорининг 1,4 марта, витамин Д миқдорининг ўрта оғир даражасида 3,4 мартагача камайиши, касалликнинг оғирлик даражасига қараб микроэлементлар танқислигини ортишини исботлаш натижасида асоратларни олдини олиш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида организмда микроэлементлар дисбалансини даволаш учун умумий 112 нафар бемор болалар учун 49280000 сўмни иқтисод қилиш имконини бераган. **Хулоса:** COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида организмда микроэлементлар дисбалансини даволаш учун бир нафар бемор болага бюджет маблағларни 440000 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

**тўртинчи илмий янгилик:** COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида соч толаси ва қон плазмаси таркибидаги микроэлементлар ўртасида: рух ва темир  $r = +0,52$ , йод ва селен ўртасида  $r = +0,52$ , витамин Д ва рух ўртасида  $r = +0,71$  ҳамда касалликнинг оғирлик даражалари ўртасида мусбат корреляцион боғлиқлик кузатилиб, рух, темир, витамин Д миқдорининг паст бўлиши, касалликни оғир кечишига ҳамда тикланиш даврининг чўзилишига олиб келиши исботланганлиги Тошкент тиббиёт академиясининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 12 декабрдаги 12-23/218-t-сонли буйруғи билан тасдиқланган «COVID-19 ўтказган болаларда микроэлементлар статусининг ўзига хос хусусиятлари» номли услубий тавсияномасида ифодаланган. Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонасининг 23.01.2024 йилдаги №23-сонли буйруғи, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг Тошкент туман тиббиёт бирлашмаси 25.01.2024 йилдаги №273-10-212-ТВ/2024-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги №09/55-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида соч толаси ва қон плазмаси таркибидаги микроэлементлар ўртасида: рух ва темир  $r = +0,52$ , йод ва селен ўртасида  $r = +0,52$ , витамин Д ва рух ўртасида  $r = + 0,71$  ҳамда касалликнинг оғирлик даражалари ўртасида мусбат корреляцион боғлиқлик кузатилиб, рух, темир, витамин Д миқдорининг паст бўлиши, касаллик жараёнини оғир кечишига ҳамда тикланиш даврининг узайишига олиб келишини исботлаш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида соч толаси ва қон плазмаси таркибидаги микроэлементлар ўртасида: рух ва темир  $r = +0,52$ , йод ва селен ўртасида  $r = +0,52$ , витамин Д ва рух ўртасида  $r = + 0,71$  ҳамда касалликнинг оғирлик

даражалари ўртасида мусбат корреляцион боғлиқлик кузатилиб, умумий 112 нафар бемор болалар учун 49280000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** COVID-19 касаллиги ўтказган болаларнинг тикланиш даврида соч толаси ва қон плазмаси таркибидаги микроэлементларни текшириш учун бир нафар бемор болага бюджет маблағларни 440000 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

**бешинчи илмий янгилик:** COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида микроэлементлар етишмовчилик даражасини ўз вақтида баҳолаш, прогноз қилиш учун ишлаб чиқилган дастурий таъминот ва микролементлар танқислигини диагностика ва коррекциялаш учун алгоритмини қўллаш, педиатрларга микроэлементлар танқислигини олдиндан аниқлаш ва ўз вақтида микроэлементлар етишмовчилигини бартараф этиши исботланганлиги Тошкент тиббиёт академиясининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 12 декабрдаги 12-23/218-t-сонли буйруғи билан тасдиқланган «COVID-19 ўтказган болаларда микроэлементлар статусининг ўзига хос хусусиятлари» номли услубий тавсияномасида ифодаланган. Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонасининг 23.01.2024 йилдаги №23-сонли буйруғи, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг Тошкент туман тиббиёт бирлашмаси 25.01.2024 йилдаги №273-10-212-ТВ/2024-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги №09/55-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида микроэлементлар етишмовчилик даражасини ўз вақтида баҳолаш, прогноз қилиш учун ишлаб чиқилган дастурий таъминот ва микролементлар танқислигини диагностика ва коррекциялаш учун алгоритмини қўллаш, педиатрларга микроэлементлар танқислигини олдиндан аниқлаш ва ўз вақтида микроэлементлар етишмовчилигини бартараф этиш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида микроэлементлар етишмовчилик даражасини ўз вақтида баҳолаш, прогноз қилиш учун ишлаб чиқилган дастурий таъминот ва микролементлар танқислигини диагностика ва коррекциялаш учун алгоритмини самарадорлигини баҳолаш орқали умумий 112 нафар бемор болалар учун 120960000 сўмни иқтисод қилиш имконини беради. **Хулоса:** COVID-19 касаллигида лаборатор таҳлилларни амалга оширишни дастурий таъминот ёрдамида амалга ошириш орқали бир нафар бемор болага бюджет маблағларни 108000 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та

мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган. Тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган. Мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган бўлиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган бўлиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **«Адабиётлар шарҳи. COVID-19 касаллигининг кечишида микронутриент танқислигининг аҳамияти»** деб номланган биринчи бобида ушбу тиббий муаммо бўйича фундаментал илмий маълумотлар таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳида муаллиф COVID-19 ни тарқалиши, этиологияси ва патогенези, COVID-19 билан ўпканинг шикастланиш даражасига боғлиқ равишда болаларда микронутриент етишмовчилиги ўзгаришларининг хусусиятлари, COVID-19 билан касалланган болаларни реабилитация қилиш масалалари ҳақидаги замонавий адабиёт маълумотлари шарҳланади, ушбу муаммонинг ҳал этилмаган тарафлари ва уларни ҳал қилиш зарурлиги ёритиб берилади.

Диссертациянинг **«Материал ва текшириш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида текширишнинг материал ва усуллари баён этилган бўлиб, тадқиқот объекти тавсифи, қўйилган масалаларни ечимини топишни таъминлайдиган услублар ва услубий ёндашишлар берилган. Ишнинг мақсад ва масалаларига мос ҳолда 1-18 ёшгача 240 нафар (148 та ўғил, 61,7 % ва 92 та қиз 38,3 %) коронавирусга чалинган бемор болаларнинг касаллик тарихи ҳамда 112 нафар (60 та ўғил 54% ва 52 та қиз болалар 46%) коронавирус касаллигидан тикланиш давридаги болалар текширилган. Назорат гуруҳини мос ёшдаги амалий соғлом бўлган 30 нафар болаларни ташкил қилди. Ретроспектив таҳлил учун Тошкент шаҳар 3-сонли ихтисослаштирилган шаҳар юқумли касалликлар шифохонасининг реанимация ва ва интенсив терапия бўлимига (РИТБ) 2020-2021 йилларда COVID-19 касаллиги билан касалланган болаларнинг ретроспектив тиббий ҳужжатлари таҳлил қилинди.

Микроэлементларни аниқлаш бўйича текширишлар Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг нейтрон активацион таҳлили лабораториясида ўтказилди. Ушбу текшириш усули инвазив, юқори сезгирликка эга, барқарор усул бўлиб, бир вақтнинг ўзида бир нечта элементларни таҳлил қилиш имкониятини беради. Нейтрон-активацион усули

орқали соч толаси таркибидаги микроэлементлар (темир, рух, мис, кобальт, марганец, кальций, калий, магний, селен ва бошқа жами 22та элементни) аниқладик. Қон зардобиди биокимёвий усулда кальций, фосфор, рух, витамин Д миқдорини ТТА кўп тармоқли клиникасининг Марказий диагностика лабораториясида MINDRAY BC-380 (Германия) аппаратида HUMAN реактивидан фойдаланиб иммунофермент анализаторларида амалга оширилди. Клиник материални статистик қайта ишлаш «STATISTICA 10.0» статистик дастур пакети ёрдамида амалга оширилди.


Диссертациянинг учинчи «**Коронавирус инфекцияси билан касалланган болаларнинг тикланиш даври клиник-лаборатор характеристикаси**» бобида коронавирус инфекциясининг тикланиш даври хусусиятлари келтирилган.

Коронавирус ўтказган 240 нафар болаларнинг касаллик тарихи натижасига кўра стационар шароитида коронавирус касаллиги билан даволанган болаларнинг 203 нафарида (84,2%) да ўрта оғир ва 37 нафарида (15,8%) да касалликнинг оғир ўтганлиги аниқланиб, касалликнинг кечиши болаларнинг ёши, фон ва ёндош касалликларни мавжудлиги, стационарга ётқизилган кунига боғлиқлиги кузатилди. 1-3 ёшли болаларда йўтал, тана ҳароратини кўтарилиши, уйкучанлик, иштаҳа пастлиги, 4- 6 ёшли болаларда тана ҳароратини кўтарилиши фониди қоринда оғрик, кўнгил айнаши, қусиш, айрим ҳолларда диарея, 12-18 ёшда йўтални қуруқ бўлиши, бурун битиши, овқат ҳазм қилиш тизими бузилишлари кузатилди. Коронавирус инфекциясини оғир кечган барча беморлар (100 %) да , ўрта оғир кечганда 56% (фон ва ёндош касалликлар билан кечган) ҳолларда бошқа орган ва тизимларда ҳам ўзгаришлар кузатилди. Шунингдек тадқиқотимизда COVID-19 касаллиги билан касалланган болаларнинг ретроспектив таҳлилига кўра 61,7 % касалликнинг ўғил болаларда учраши, 38,3 % ида эса қиз болаларда кузатилишини аниқладик. Проспектив таҳлилга кўра ўғил болаларда 54%, қиз болаларда эса 46 % гача учраганлигини кузатдик.(1 расмга қаранг)



1-расм. COVID-19 ўтказган болаларнинг жинси бўйича таҳлили

Коронавирус касаллигидан болаларни тикланиш даврини ўрганиш учун Тошкент шаҳар 33-сонли оилавий поликлиника ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли болалар маслаҳат поликлиникасида 2020-2021 йилларда 112 нафар болада текширув натижалари олинган. Тадқиқотимизда жалб қилинган болаларнинг ёш бўйича таҳлил қилинганда 1 -3 ёшгача бўлган болалар 21 нафарни ( 18,8%), 4-7 ёш 27 та ( 24,1%), 8-11 ёш 31 та ( 27,7%), 12-17 ёш 33 та ( 29,4 %) болаларни ташкил этди.



2-расм. COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида ёши бўйича проспектив таҳлили.



3-расм. COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида клиник кўринишларининг частотаси.

Ўрганиш учун олинган бемор болалар коронавирус касаллигидан тузалиш даврида бўлиб, уларнинг стационарда 26 нафари оғир, 70 нафари ўрта оғир ҳолатда бўлган, 16 нафари енгил ҳолатда уй шароитида даво ўтказилган. Коронавирус инфекциясини ўтказган болаларнинг тикланиш даврида терлаш, тушкун кайфият, тез-тез нафас олиш, иштаҳанинг камайиши, уйқу бузилиши, диарея ва ич қотиши, хотирани пасайиши, чарчоқ, рахит белгилари, бўғимлардаги оғриқлар, тирноқларнинг мўртлиги ва тахикардия, шунингдек узоқ давом этадиган йўтал каби клиник белгилар кузатилди.

Коронавирус инфекциясидан эрта тикланиш даврида юрак қон томир тизими ўзгаришлари (23,2%), овқат ҳазм қилиш тизими ўзгаришлари (66,9 %) камқонлик (60%), астеновегетатив бузилишлар (63,3%) ҳамда микроэлементлар танқислиги сақланиб қолганлиги кузатилди. (3-расмга қаранг). Кузатилган ушбу синдромлар таҳлил қилинганда эрта тикланиш даврида узоқ давом этувчи йўтал, жисмоний ҳаракатдан кейин нафас олишни тезлашиши ва чарчоқ кузатилиши, респиратор касалликларга тез -тез чалиниш ҳоллари аниқланди.

Юрак қон томир ўзгаришлар юрак соҳасида оғриқ, юрак тонлари бўғиқлиги, ЭКГда синус тахикардия, Гисс тутами ўнг оёқчасининг тўлиқ ва нотўлиқ блокадаси шакли кузатилди. Ошқозон- ичак тизими ўзгаришлари иштаҳанинг пасайиши, диарея ва қабзият 66,9 % гача , дисбактериоз эса 32,2% да кузатилди. Касалликнинг тузалиш даврида оналар томонидан касалликдан кейин болаларнинг кайфиятини турғун эмаслиги, хотирасининг пасайганлиги, давом этувчи бош оғриғига шикоят қилиши билан бирга, бўғимларда оғриқ ҳамда қўл оёқларни совқотиши каби белгилар аниқланди. Кузатувимиздаги 58,3 % болаларда тери ва шиллик қаватларнинг рангпарлиги, соч тўкилиши ва тирноқ синувчанлиги 60,9%, гемоглабин миқдорининг 104 г/л гача камайиши кузатилиб, эритроцитлар миқдорининг  $3,4 \times 10^{12}/л$  гача камайганлиги болаларда анемия касаллиги сақланиб турганлигини кўрсатди.

Каттароқ ёшдаги болаларнинг тузалиш даври клиник жиҳатдан сурункали чарчоқ, асабийлашиш, аллергия реакциялар, уйқунинг бузилиши, юрак соҳасида оғриқ, тахикардия, тери, соч, тирноқ ҳолатининг ўзгаришлари билан характерланган бўлса, кичик ёшли болаларда: кўп терлаш, иштаҳанинг пасайиши, уйқучанлик белгилари ўткир респиратор касалликларга тез -тез чалиниш ҳолатлари кузатилди. Кичик ёшдаги болаларда фон касалликлардан (анемия, оқсил -энергетик етишмовчилиги, эксудатив катарал диатез, рахит) нинг доимий ҳамроҳ бўлганлиги, иммунитет танқислиги мавжудлиги, катта ёшдаги бемор болаларда ҳамроҳ касалликлар сурункали тонзиллит, пиелонефрит, овқат ҳазм қилиш тизими касалликларини мавжудлиги ҳамда ушбу бемор болаларни стационардан чиққандан кейин даволаш профилактика тадбирлари олиб борилмаганлиги учун тикланиш дарви чўзилишига олиб келди. Коронавирус касаллигига хос бўлган белгилар ва унинг тузалиш давридаги белгилар тузалиш даврини чўзилиши, микроэлементлар танқислиги билан боғлиқлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Коронавирус инфекциясига чалинган болаларнинг тикланиш давридаги микроэлементлар миқдорини ўрганиш**

**натижалари»** деб номланган IV-бобида, коронавирус инфекциясига чалинган болаларнинг тикланиш давридаги микроэлементлар миқдорини ўрганиш натижалари ҳақида маълумот берилган.

Микроэлементлар инсон организмида жуда кам миқдорда учрайдиган, аммо саломатликни сақлаш учун муҳим бўлган элементлар гуруҳидир. А.И. Перельманнинг таъкидлашича, «микроэлементлар» атамаси организм тўқималарида жуда кам миқдорда – 0,01% ва ундан кам миқдорда учрайдиган элементларни англатади. Ҳозирги кунда микроэлементлар таркиби ва метаболизмни аниқлаш учун энг сезгир, аниқ усул сифатида нейтрон-активацион усулда текшириш ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, сочлардаги микроэлементлар таркиби организмнинг умумий микроэлемент ҳолатини акс эттиради ва соч намуналари минерал моддалар алмашинувининг интеграл кўрсаткичи ҳисобланади. Шу муносабат билан биз сочдаги 22 та микроэлемент миқдорини Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти лабораториясида нейтрон активацион усулда ўргандик.

Микроэлементларни ҳолатини баҳолашда А.П. Авцын (1991) томонидан ишлаб чиқилиб педиатрия амалиётида қўллаш учун тавсия этилган, Ўзбекистон гематологлар ва трансфузиологлар I конгресси (2004), педиатрлар VI конгрессида (2009) ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг УМС томонидан тасдиқланган клиник микроэлементозлар классификациясидан фойдаландик.

#### 1-жадвал


### COVID-19 касаллигини ўтказган болаларнинг тикланиш даврида соч толаси таркибидаги микроэлементлар миқдори (мкг/г), $M \pm m$

Микроэлементлар	Амалий соғлом n=30	Ўртача миқдори n=112 (37)	p
Ag (күмуш)	0,20±0,006	0,1733±0,005**	<0,01
As (мишяк)	0,20±0,007	0,07±0,003***	<0,001
Au (олтин)	0,08±0,026	0,03±0,006	>0,05
Br (бром)	3,8±0,12	2,83±0,087***	<0,001
Ca (кальций)	635,50±20,5	541,91±17,37**	<0,01
Cl (хлор)	460±14,8	236,67±7,6***	<0,001
Co (кобалт)	0,08±0,0026	0,062±0,002***	<0,001
Cr (хром)	0,70±0,023	0,44±0,014***	<0,001
Cu (мис)	17,5±0,56	27,67±0,39***	<0,001
Fe (темир)	20,0±0,64	12,72±0,51***	<0,001
Hg (симоб)	0,20±0,006	0,127±0,004***	<0,001
I (йод)	0,60±0,019	0,40±0,01***	<0,001
K (калий)	1200±38,5	1050±35,8*	<0,05
Mn (марганес)	0,70±0,021	0,85±0,026***	<0,001
Na (натрий)	780±25,1	300±8,71***	<0,001
Rb (рубидий)	1,4±0,04	1,12±0,035***	<0,001
Sb (сурма)	0,20±0,0055	0,14±0,004***	<0,001
Sc (скандий)	0,02±0,0006	0,0065±0,0002***	<0,001
Se (селен)	0,60±0,019	0,51±0,016**	<0,01
U (уран)	0,20±0,006	0,057±0,002***	<0,001
Zn (рух)	87,38±2,8	67,96±2,27***	<0,001

1-жадвалдан кўриниб турибдики, COVID-19 касаллигидан кейинги тикланиш даврида болаларда соғлом болаларга нисбатан микроэлементлар миқдорининг ўзгаришлари дисмикроэлементоз кўринишида бўлганлиги кузатилди. Баъзи микроэлементлар (Ag, Br, Ca, Cl, Co, Cr, Fe, Hg, I, Na, Rb, Sb, Sc, U, Zn) миқдори статистик ишончли даражада камайган ( $P < 0,001$ ), бу эса организмда умумий электролит балансининг бузилишини кўрсатади.

Айрим микроэлементлар Cu ва Mn миқдори соғлом болаларга нисбатан ошганлигини, бу эса яллиғланиш ёки оксидатив стресс жараёнлари билан боғлиқ бўлиши ҳамда уларнинг умумий саломатлик ҳолатига ва тикланиш жараёнига таъсир кўрсатиши мумкин.

Коронавирус билан касалланган болалардаги дисмикроэлементоз организмда микроэлементларнинг дисбаланси туфайли юзага келган ҳолат бўлиб, полимикроэлементоз шаклида — яъни бир нечта микроэлементлар камайиши ҳисобига кузатилди. Микроэлементлар классификациясига кўра зарур бўлган микроэлементлардан: рух (Zn), мис (Cu), темир (Fe), селен (Se), хром (Cr), кобальт (Co), йод (I), марганец (Mn) ва молибден (Mo) кўрсатилган. Бу микроэлементлар организмда иммунитетни мустаҳкамлаш, метаболизм жараёнларини бошқариш, қон ҳосил бўлиши, ҳужайраларни химоя қилиш ва суюқларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини сабабли, биз улардан рух (Zn), мис (Cu), темир (Fe), селен (Se), кобальт (Co), йод (I) нинг сочдаги миқдорини касалликни оғирлик даражасига қараб таҳлил қилдик (4-расмга қаранг).



Эслатма: \*-амалий соғлом ва касал болаларнинг кўрсаткичлари ўртасидаги фарк ишончли,  $p < 0,05$

**4-расм. COVID-19 касаллигини ўтказган болаларни тикланиш даврида оғирлик даражасига қараб соч толаси таркибидаги микроэлементлар кўрсаткичлари, мкг/г**

Рух организмнинг ҳаётӣ фаолиятини таъминлашда муҳим роль ўйнайди, кўплаб биокимёвий жараёнларда иштирок этади ва 300 дан ортиқ ферментлар таркибига кириб, фаолиятини бошқаради, иммун тизими учун жуда муҳим бўлиб, рухнинг камайиши инфекцияларга нисбатан химоя қобилиятини сусайтириши мумкин. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики коронавирус инфекциясини ўтказган беморларнинг барча оғирлик даражаларида сочда рух камайган бўлсада, унинг ўрта оғир шаклида  $68,89 \pm 2,4$  мкг/г ( $p < 0,001$ ) ва оғир шаклларида  $54,61 \pm 1,7$  мкг/г ( $p < 0,001$ ) статистик ишончли даражада тушди ва соғлом болаларга нисбатан 1,6 мартага камайган. Айниқса темир элементининг миқдорини камайиши 2,2 барабарга тўғри келиб, касалликнинг оғир шаклида  $9,09 \pm 0,29$  мкг/г гача ( $p < 0,001$ ) пасайди. Шунингдек, йод ва кобальт миқдори ҳам соғлом болаларга нисбатан сезиларли даражада камайиши кузатилди, касаллик оғирлашган сари статистик ишончилилик энгил шакли  $p_1 < 0,05$ , ўртача оғир -  $p_2 < 0,001$ , оғир -  $p_3 < 0,001$ ) ошиб борди.

Шундай қилиб, асосий микроэлементлар рух (Zn), темир (Fe), кобальт (Co), йод (I) нинг сочдаги миқдори касаллик оғирлик даражасига қараб статистик ишончли даражада камайди, мис (Cu) миқдори соғлом болаларга нисбатан ( $p < 0,001$ ) ошганлигини кузатдик. Мис миқдорининг ортиши яллиғланиш медиаторлари фаолиятининг кучайганлигидан ва оксидатив стресснинг ўсишига сабаб бўлса, йод тақислиги қалқонсимон без фаолияти, метаболизм, нерв ва иммун тизимга жиддий таъсир кўрсатади.

Тадқиқотимизнинг кейинги қисмида қон зардобида витамин D , рух, темир, калций ва фосфор миқдорини аниқлаш ва коронавирусуга чалинган болаларнинг тузалиш давридаги ўрнини баҳолаш ҳамда ушбу кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашдан иборат бўлди.

Маълумки, кальций ва фосфор макроэлементлар қаторига кирсада, улар микроэлементлар билан яқин биологик алоқага эга, организмдаги вазифалари кенг қамровли бўлиб умумий метаболик жараёнларда қатнашади. Микроэлементлар ва витамин D ўртасидаги биологик боғлиқлик инсон саломатлиги учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, уларни биргаликда ўрганиш қон зардобидаги умумий мувозанатни баҳолаш, патологияларни аниқлаш ва касалликларни олдини олишда муҳимдир.

## 2-жадвал

### COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида касалликнинг оғирлик даражасига қараб қон зардобидаги микроэлементлар миқдори, $M \pm m$ .

Микроэлементлар	Амалий соғлом n=30	Оғирлик даражасига кўра		
		Энгил n=16	Ўртача n=70	Оғир n=26
Рух мкмоль/л	$13,56 \pm 0,38$	$7,78 \pm 0,41^*$	$6,98 \pm 0,13^*$	$6,63 \pm 0,17^*$
Кальций ммоль/л	$2,20 \pm 0,03$	$1,80 \pm 0,07^*$	$1,65 \pm 0,03^*$	$1,53 \pm 0,03^*$
